

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 10 » **сентябрь** 20 18 у.

№ 714

Toshkent sh.

**Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация
ва инновацион технологияларнинг жорий этилишини таъминлаш
чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 17 апрелдаги ПК-3672-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги:

Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда сув хўжалиги тизимида замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий этилишини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағларини жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритиб борсин.

ушбу қарор билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ҳамда ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев ва Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазири Ш.Р. Хамраев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
“~~10 сентябр~~даги “**714**”-сон қарорига
илова

**Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион
технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошириладиган
КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
I. Гидроузеллар, сув омборлари, магистрал каналлар ва сув хўжалигининг бошқа муҳим объектларида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни замонавий технологиялар асосида, реал вақт режимида тўплаш ва бошқариш тизимини, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда жорий қилиш				
1	Сув хўжалиги тизимига замонавий ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни жорий қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли вазирлик ва идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ ташкил қилиш.	–	2018 йил сентябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
2	Сув манбалари ва сув хўжалиги объектларида, шунингдек иқтисодиёт тармоқларида сув ресурсларини бошқариш ва сувдан фойдаланиш, сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар бўйича хатлов ўтказиш ҳамда электрон маълумотлар базасини шакллантириш. Сув ресурсларини бошқаришнинг амалдаги тизимини ҳамда ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.	–	2018 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг илмий ахборот маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
3	<p>Гидроузеллар, сув омборлари, магистрал каналлар ва сув хўжалигининг бошқа муҳим объектларида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичларни замонавий технологиялар асосида реал вақт режимида кузатиш тизимини йўлга қўйиш бўйича Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан биргаликда концепция ишлаб чиқиш ҳамда Тармоқ илмий-техник кенгашида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.</p>	<p>Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг маблағлари</p>	<p>2019 йил ноябрь</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти</p>
4	<p>Гидроузеллар, сув омборлари, магистрал каналлар ва сув хўжалигининг бошқа муҳим объектларида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичларни замонавий технологиялар асосида реал вақт режимида кузатиш тизимини “Зарафшон” магистрал тизими ва “Жанубий Мирзачўл” магистрал каналида наъмунавий лойиҳаларни жорий қилиш:</p> <p>наъмунавий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича техник вазифа ва техник шартларни ишлаб чиқиш;</p> <p>сув хўжалиги объектларида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичларни замонавий технологиялар асосида реал вақт режимида кузатиш тизими лойиҳаларини тайёрлаш ва экспертизадан ўтказиш;</p> <p>сув хўжалиги объектларида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичларни замонавий технологиялар асосида</p>	<p>Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p> <p>Халқаро молия институтлари ва хорижий</p>	<p>2019 йил</p> <p>2019-2020 йиллар тармоқ жадваллари бўйича</p> <p>2020-2022 йиллар тармоқ</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	реал вақт режимида кузатиш тизими наъмунавий лойиҳаларни белгиланган тартибда амалга ошириш.	ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	жадваллари бўйича	
5	Гидроузеллар, сув омборлари, магистрал каналлар ва сув хўжалигининг бошқа муҳим объектларининг техник кўрсаткичлари бўйича хатлов ўтказиш ҳамда кадастр маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш.	–	2019 йил май	Сув хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
6	Сув хўжалиги вазирлигининг Марказий диспетчерлик, коммуникация ва кадастр хизматида асосий сув манбалари ва сув хўжалиги объектларидаги сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар бўйича ягона маълумотлар базасини яратиш учун диспетчерликни алоҳида махсус сервер, катта видеоэкран (мульти дисплей), замонавий компьютер, плоттер, проектор, принтер ва бошқа ускуналар билан жиҳозлаш.	Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	2019 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
7	Гидроузеллар, сув омборлари, магистрал каналлар, ирригация ва мелиорация тизимлари ҳамда сув хўжалигининг бошқа муҳим объектлари бўйича маълумотлар базасини шакллантириш, бошқариш ва таҳлил қилиш бўйича дастур ишлаб чиқиш учун техник вазифа ва техник шартларни ишлаб чиқиш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	2019-2020 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
8	Наъмунавий лойиҳалар объектларида яратилган дастур асосида тест режимида сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни замонавий	Халқаро молия институтлари ва хорижий	2020-2021 йиллар	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш асосида реал вақт режимида тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш тизимини синаб кўриш ҳамда дастурни такомиллаштириш.	ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари		ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
9	Туямўйин сув омбори, унинг Ўнг қирғоқ каналидан сув олувчи Эллиққалъа (5 дона) ва Бўстон (5 дона) каналларида замонавий кузатув ва бошқарув (SCADA) тизимини ўрнатиш ва ишга тушириш.	Жаҳон банки кредити	2020 йил май	Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
10	Аму-Бухоро машина каналида жойлашган йирик гидротехник иншоотларни, жумладан “Аму-Бухоро-1”, “Аму-Бухоро-2”, “Қизилтепа”, “Қизилтепа-1” ва “Куйимозор” насос станцияларида замонавий кузатув ва бошқарув (SCADA) тизимини ўрнатиш ва ишга тушириш.	Осиё тараққиёт банки кредити	2021 йил июнь	Сув хўжалиги вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси
11	Наъмунавий лойиҳалар ва бошқа объектларда ўтказилган тест режими синовлари натижасига асосан республика сув хўжалиги тизими бўйича сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш асосида, реал вақт режимида тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш дастурини босқичма-босқич жорий қилиш бўйича таклиф тайёрлаш ҳамда Гармоқ илмий-техника кенгашида кўриб чиқиб тасдиқлаш.	—	2022 йил	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
12	Сув хўжалиги тизими бўйича сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларни	Халқаро молия институтлари ва хорижий	2022-2025 йиллар, жадвал	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	татбиқ этиш асосида, реал вақт режимида тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш дастурини белгиланган тартибда босқичма-босқич жорий қилиш.	ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	бўйича	ривожлантириш вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
13	Сув хўжалиги тизими бўйича сув сарфи ва бошқа кўрсаткичлар ҳақидаги маълумотларни замонавий ахборот-коммуникация технологияларни татбиқ этиш асосида, реал вақт режимида тўплаш, бошқариш ва таҳлил қилиш дастурини жорий қилиш бўйича тизимли мониторинг ўрнатиш ва таҳлил қилиш ҳамда натижасини йил яқунлари бўйича вазирлик Ҳайъатида муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим қилиб бориш.	—	йил яқунлари бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги
II. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда замонавий технологиялар ва дастурларни жорий этиш				
14	Республикада БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан тавсия этилган дастурларни республикада синаб кўриш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот ишларини ҳамда ривожланган хорижий давлатлар тажрибаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мақбул дастурларни республика ҳудудларида жорий этилишни ташкил қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	2018 йил декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, “Ўзгидромет” маркази, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг илмий ахборот маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
15	<p>БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) ва илмий-тадқиқот институтларини жалб этган ҳолда мақбул дастурларни республика ҳудудларига мослаштириш ва уларни жорий қилиш бўйича тегишли илмий-тадқиқот ишларини белгиланган тартибда ташкил этиш.</p>	<p>Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	<p>2019-2021 йиллар</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг илмий ахборот маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти</p>
16	<p>Республикада БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан тавсия этилган дастурларни жорий қилиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари натижаларини таҳлил қилиш ва уларни республика ҳудудларига мослаштириш ва жорий этиш бўйича таклифларни Тармоқ илмий-техника кенгашида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ишларини мақбуллаштирилган дастурлар асосида белгиланган тартибда амалга ошириш.</p>	<p>Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	<p>2021 йил декабрь 2022 йилдан бошлаб</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштирувчи комиссиянинг илмий ахборот маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти</p>
17	<p>Сувни тежайдиган суғориш технологияларини суғориладиган ерларнинг сув таъминоти даражаси ва сувни етказиб бериш учун қилинаётган молиявий харажатларни ҳисобга олган ҳолда ирригация тизимлари ва ҳудудлар бўйича жойлаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш: суғориладиган ерларнинг сув таъминоти даражаси ва сувни етказиб бериш учун қилинаётган молиявий харажатларни геоахборот тизимлари</p>	<p>Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси. Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	<p>2019 йил ноябрь</p>	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, “Давергеодезкадастр” қўмитаси, “Ўзгидромет” маркази, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Давлатлараро сув хўжалигини</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	<p>дастурдан фойдаланилган ҳолда ирригация тизимлари ва худудлар бўйича ишлаб чиқиш ва уларни сув хўжалиги маълумотлар базасининг ягона тизимга киритиш;</p> <p>сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилишни суғориладиган ерларнинг сув таъминоти даражасини ва сувни етказиб бериш учун қилинаётган молиявий харажатларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш бўйича тавсия ишлаб чиқиш ва Тармоқ илмий-техника кенгашида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш.</p>		2020 йил сентябрь	<p>мувофиқлаштирувчи комиссиянинг илмий ахборот маркази, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази</p>
18	<p>Сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни суғориладиган ерларнинг сув таъминоти даражасини ва сувни етказиб бериш учун қилинаётган молиявий харажатларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш бўйича тавсияларга асосан белгиланган тартибда амалга ошириш.</p>	<p>Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	2020 йилдан бошлаб	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p>
19	<p>Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича тизимли мониторинг ўрнатиш ва таҳлил қилиш ҳамда натижасини вазирлик Ҳайъатида муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим қилиб бориш.</p>	—	йил якуни бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги
<p align="center">III. Сувни бошқаришни ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларида электр энергияси истеъмолини реал вақт режимида мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш</p>				
20	<p>Сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларида сувни бошқаришнинг ҳамда электр энергияси истеъмолини реал вақт режимида мониторингини юритишнинг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбар ҳамда мутахассисларидан</p>	—	2018 йил ноябрь	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	иборат ишчи гуруҳлар тузиш.			“Ўзбекэнерго” АЖ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
21	Сув хўжалиги тизимидаги насос станциялари ҳамда уларнинг сувни ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ускуна ва жиҳозларининг техник ҳолатини ўрганиш, уларни таъмирлаш ва техник жиҳатдан сошлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	2019 йил май	Сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси, “Ўзбекэнерго” АЖ, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
22	Сув хўжалиги тизимидаги насос станцияларида сувни бошқаришнинг ҳамда фойдаланиладиган электр энергияси бўйича мониторинг юртишнинг автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич жорий этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	тасдиқланган тармоқ жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, “ЎзГИП” МЧЖ, “Ўзсувлойиҳа” АЖ, “Ўздавэнергоназорат” инспекцияси, “Ўзбекэнерго” АЖ, “Ўзстандарт” агентлиги, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
22	Лойиҳа-смета ҳужжатларини белгиланган тартибда давлат экспертизасидан ўтказиш ва тасдиқлаш. Лойиҳаларни белгиланган тартибда амалга ошириш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари	тасдиқланган тармоқ жадвал бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, “ЎзГИП” МЧЖ, “Ўзсувлойиҳа” АЖ Сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси , Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти
23	Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тизимли мониторинг ўрнатиш ва таҳлил қилиш ҳамда натижасини вазирлик Ҳайъатида муҳокама қилиб, Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим қилиб	–	йил якуни бўйича	Сув хўжалиги вазирлиги

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	бориш.			
IV. Сув хўжалиги тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш орқали сув кадастрини юритишни йўлга қўйиш ва мобиль иловалар яратиш				
24	<p>Сув хўжалиги вазирлигида давлат сув кадастрини юритиш учун автоматлаштирилган Сув ресурсларининг ягона маълумотлар базасини яратиш.</p> <p>Сув кадастри билан боғлиқ ахборотни олиш, идоралараро ўзаро ахборот алмашиш, уни умумлаштириш ва таҳлил қилишни таъминлайдиган автоматлаштирилган тезкор тизимни йўлга қўйиш.</p>	<p>Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти ҳамда бошқа хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	2020 йил апрель	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Гидрометеорология хизмати маркази, Геология ва минерал ресурслари давлат қўмитаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази</p>
25	<p>Сув хўжалиги вазирлиги учун сувдан фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва гидротехник иншоотларнинг асосий кўрсаткичлари бўйича маълумот базасини яратиш, уларни электрон нусхада сақлаш, улардан фойдаланиш ва таҳлил қилиш имконини берувчи ягона дастурий таъминотни яратиш ва ундан фойдаланишни йўлга қўйиш.</p>	<p>Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлиги ҳамда бошқа халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари</p>	2020 йил март	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази</p>
26	<p>Суғоришда сувни тежайдиган замонавий технологиялари, шу жумладан томчилатиб суғориш тизими бўйича керакли билим ва маълумотларни олиш, шунингдек сувни тежайдиган технологиялари ишлаб чиқарувчилар ва ундан фойдаланувчилар ўртасида маълумот алмашувини</p>	<p>Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлигининг маблағлари</p>	2019 йил июнь	<p>Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази,</p>

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Молиялаштириш манбаи	Бажариш муддати	Масъул вазирликлар ва идоралар
	Йўлга қўйиш имконини берувчи мобил илова яратиш ва уни умумий фойдаланишга чиқариш.			“Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси
27	Мобиль иловалар ва веб-саҳифаларни қўллаш асосида сув ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш, шунингдек, сув хўжалиги иншоотларидан фойдаланиш бўйича оммабоп билимларнинг ресурс базасини яратиш ҳамда ривожлантириш.	Сув хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Бирлашган миллатлар ташкилотининг тараққиёт дастури ва Швейцария халқаро ҳамкорлик агентлигининг маблағлари	2019 йил октябрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази, “Ўзбекистонда сув ресурсларини бошқариш” миллий лойиҳаси

